



УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри юртдошлар!
Аввало, сиз, азизларни 18 апрель — Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўз хизмат жойида кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан, фидокорона меҳнат қилиб, аҳоли, ташкилот ва муассасаларнинг қулай ва замонавий шароитларда яшashi ва фаолият кўрсатишини таъминлаб келаётган сизлар каби муҳир муҳандис ва ишчилар, уста ҳамда чилангарлар, механик ва технологлар, мутахассислар ҳамда фахрийларга, кўпмиллатли соҳа ходимларига ушбу қувончли айёмда чуқур хурматимиз ва эзгу тилакларимизни билдириб, чин дилдан раҳматлар айтаман.

Азиз дўстлар!
Кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори халқимиз турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутиб келаётган коммунал тизимда ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, илгор халқро тажрибали асосида уй-жойларга хизмат кўрсатиш бўйича бошқарув сервис компаниялари ташкил этилгани, уларга давлатимиз томонидан зарур имтиёз ва қароллар берилгани хизматлар сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиздаги 45 мингта кўп қаватли уйнинг 90 фоиздан ортиғига 1 мингдан зиёд ана шундай ташкилотлар хизмат кўрсатаётгани, сунгги 9 йилда 3 триллион 700 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 51 мингга яқин уйлар таъмирланиб, 3 минг 500 та лифт янгисига алмаштирилганини таъкидлаш лозим.

Соҳада рақамлаштириш жараёнлари жадал олиб борилаётгани туфайли салкам 42 мингта кўп қаватли уй ва 1 миллион 500 минг нафардан ортиқ мулкдорлар “Менинг уйим” биллинг тизимида рўйхатга олинди. Бу эса бошқарув ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишларни бевосита кузатиб, уларнинг фаолиятини баҳолаб бориш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, 3 минг 400 та ичимлик ва оқова сув иншооти ва 42 минг километрдан зиёд сув тармоқлари барпо этилди ва реконструкция қилинди. Натияжада

юртимизда аҳолини ичимлик суви билан марказлашган тизим орқали таъминлаш даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан ҳозирги вақтда қарийб 83 фоизга етди. Иссиқлик таъминоти соҳасидаги кенг қўламли ишлар ҳисобидан қарийб 100 та марказий ва маҳаллий қозонхона, 1276 километр иссиқлик тармоқлари таъмирланди ва модернизация қилинди.

Айниқса, 3 минг 800 дан зиёд кўп қаватли уй ва 371 та ижтимоий объект ушбу тизимга улангани диққатга сазовордир.

Айни вақтда аҳолимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш бўйича коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси олдида ҳам улкан вазифалар турибди. Жумладан, 2030 йилгача аҳолини ичимлик суви билан марказлашган тармоқлар орқали таъминлаш даражасини 90 фоизга етказишни режалаштирганмиз. Шунингдек, 103 та қозонхона, 1 минг 600 километр иссиқлик тармоқлари барпо этилади ва реконструкция қилинади. Давлат-хусусий шериклик тамойили асосида ва халқаро молия институтлари иштирокида эса 13 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Буларнинг ҳисобидан марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови ҳозирги 37 фоиздан 58 фоизга етказилади.

Сизлар ўзингизнинг бор куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангизни сафарбар этиб, ана шундай улкан вазифаларни адо этишга муносиб ҳисса қўшасизлар деб ишонаман.

Ўз навбатида, мамлакатимизда коммунал соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, тизимда фаолият кўрсатаётган ишчи ва ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бундан буён ҳам давлатимизнинг эътибор марказида бўлади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, меҳнат фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Пойтахтимизда 18 апрель — Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Жалол Арашов уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ва янгиланишларнинг аҳамиятини аҳоли юксак кадрлаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ходимлари кунини муносабати билан йўللган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

▶ Давоми 2-бетда

МЕН УЧУН ЯНГИ ИЖОДИЙ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

Президентимиз кўп таъкидлайдиган иборалар орасида мен учун энг қадрлиси ва эътиборга молиги, шубҳасиз, инсон қадрли. Инсон қадрли... Унга нима етсин! Тўғри, бугун менга берилаётган давлат мукофотлари жуда шарафли. Лекин давлатимиз раҳбарининг инсон қадрли ҳақидаги сўзлари, аввало, шахсан ўзи инсон қадрли қандай бўлиши кераклигини самимий кўрсатиб бераётгани мен учун ниҳоятда азиз. Яратганга беҳисоб шукр, мана, 40-50 йилдан ошдики, эл хизматидаман. Бу эътибор ва рағбат, очиги, жуда ўзига хос, илгари ҳатто тушимизга ҳам кирмайдиган бахтнинг ўзгинаси бўлди.

Ўйлаб қарасам, эл-юртга қилинган хизмат, қўшилган ҳисса ҳалол бўлса, албатта, самара бераркан. Мен бунга такрор ва такрор айтишдан чарчамайман: ота-онамнинг насиҳатию дуоси, тарбиясию мактаби бежиз эмас экан. Демак, уларнинг қандайдир файзу баракаси бўлган. Мана натияси. Аслида, эътироф ёки мукофот ҳақида ўйламай туриб ҳалол

хизмат қилиш бизнинг асосий вазифамиз ва буни доимо бажонидил бажарамиз. Давлатимиз раҳбарининг ижодимизга берган юксак баҳоси, бундай эътиборга сазовор бўлиш мен учун қандай улкан бахт эканини сўз билан ифодалаш қийин!

▶ Давоми 2-бетда

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КўРИШ ИШЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевга 16 апрель куни ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, резерв ва захирадаги офицерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш юзасидан ахборот берилди.

Аввало, армиянинг жанговар шайлиги ва тайёргарлигини мустаҳкамлаш, шахсий таркибга янги тизим асосида таълим бериш ва касбга тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот берилди.

Хусусан, жанговар шайлик йўналишида қўшинларда мажмуавий стратегик ва қўмондонлик штаб ўқувлари, йиғин, дала чиқишлари ва ўқув курслари тизимли равишда ўтказиб келинаётгани, бунда шахсий таркибда ахлоқий-руҳий, реал жанговар вазиятларда қўрув ва эмоцияларини бошқариш ҳамда дадил ҳаракатлана олиш каби муҳим жанговар сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Замонавий жанговар ҳаракатлар таҳлиладан келиб чиқиб, барча ўқув, тренинг ҳамда машғулотларда жанг олиб боришнинг янги усул ва шакллари ўзлаштирилаётгани, бўлимларнинг мобиллигини, жанговар имкониятларини ва қўйилган вазифаларни мустақил бажариш қobiliтини оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўрилатгани юзасидан ахборот берилди.

Ҳар йили мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида нишонланиши юртимизда тинчликни асраш, мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш,

бугун орамизда соғ-омон яшаётган уруш ва меҳнат фахрийларига гамҳўрлик кўрсатишнинг ёрқин амалий ифодасидир.

Жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғиронларнинг ҳар бирига 30 миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофотини тўлаш тақлиф қилинди.

Шунингдек, бу кунда уруш қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, кексалар ва устозларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш, ёлғиз ва кам таъминланган фахрийларнинг турар жойларини ободонлаштириш, турли хотира ва қадрлаш тадбирларини ташкил этиш режалаштирилган. Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган Ватан фидойиларининг хотираси ҳам улуғланади. Уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Она Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг мардлиги ва жасоратини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилади. Мамлакатимиз бўйлаб “Бурч, жасорат, матонат!” широри остида маданий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, ижодий кечалар, танловлар ва оммавий спорт мусобақалари ташкил этилади.

Тақдиримизда резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган

қўшимча чора-тадбирлар ҳам кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, дунёда юз бераётган ҳарбий можаролар таҳлили уруш давридаги сафарбарлик эҳтиёжларидан келиб чиқиб, тинчлик даврида ҳарбий тайёргарликка эга бўлган офицерлар захирасини шакллантириш ва уларни мутахассислар бўйича тўғри тақсимлаш долзарб вазифа эканини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда 4 та олий таълим ва 2 та олий ҳарбий таълим муассасасининг ҳарбий тайёргарлик ўқув марказлари ва факультетларида 42 та мутахассислик бўйича резерв ва захирадаги офицерлар тайёрланмоқда. Бунга қўшимча равишда Урганч, Термиз, Андижон давлат университетлари, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти да яна 5 та ҳарбий тайёргарлик ўқув марказини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Шунингдек, давлат олий таълим муассасаларида қўшимча равишда “Чақириқча ҳарбий таълим” йўналиши бўйича 3 йиллик бакалаврият таълими асосида резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Ҳарбий тиббиёт институтида эса илк бор клиник ординатура ва магистратурага қабул қилинган ҳамда ҳарбий тайёргарликдан ўтиш истганини билдирган талабалар тўлов-контракт асосида ўқитилади. Бундай имконият нодавлат олий таълим муассасалари талабалари учун ҳам яратилади.

Бугунги кунда долзарб бўлган сунъий интеллект, дрон, робототехника каби замонавий ва тор мутахассислик бўйича ҳам захира офицерлари тайёрлаш йўлга қўйилади. Ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлимлари учун илгор хорижий армиялар тажрибаси асосида янги ўқув режа ва дастурлар шиллаб чиқилади.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йил 13 январь куни Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони раислигида ўтказилган Хавфсизлик кенгаши йиғилишида мазкур масала устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди.

Жумладан, Мудофаа вазирлиги офицерларига хизмат йиллари учун тўланадиган ҳар ойлик устама миқдори икки баърадан ошириш, контракт бўйича хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик пул таъминотини 10 фоизга кўпайтириш тақлиф қилинди.

Президентимиз тақлифларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ижроси ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, ҳарбий хизмат нуфузи ва жозибадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади ҳамда тегишли ҳужжатларни имзолади.

Ў.З.А

МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАР АНИҚ РЕЖА АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маданият ва туризм соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва янги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Аввало, Самарқанд шаҳрида 9 гектар майдонда янги Ипак йўли музейини барпо этиш режаси кўриб чиқилди. Лойиҳага кўра, ушбу музей экспозицияси археология, тасвирий санъат, амалий санъат материалларини қамраб олган 6 мингдан зиёд ноёб экспонатларни бирлаштириди. Музейда доимий ва вақтинча кўргазмалар учун экспозициялар, 160 ўринли аудитория, болалар академияси, консервация ва тадқиқот маркази, катта ҳажмли сақлов хоналари ҳам ташкил қилинади.

Тақдиримизда аҳолини маданият муассасаларига кенг жалб қилиш, уларнинг мазмун-моҳияти ва иш услубини замон талаблари асосида янгилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан республикадаги 839 та маданият марказини босқичма-босқич трансформация қилиш, биноларини замонавий қиёфага келтириш, фаолиятига хусусий секторни жалб қилиш, бу борада жозибадорлигини ошириш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди. Умуман, 2030 йилга қадар маданият соҳасига 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши белгиланди.

Санъат соҳасида иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш, уларни куйи синфлардан мақсадли ўқитиш, ўқиш жойида яшаб

таълим олиши ва ижод билан шугулланиши учун муносиб шароит яратиш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Андижон ёшлар симфоник оркестри ҳамда “Тумор” рақс ансамбли фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича билдирилган тақлифлар маъқулланди.

Медиамақонда миллий контентларни кўпайтириш, сунъий интеллектдан оқилона фойдаланган ҳолда миллий маданиятимиз ҳақида маълумотлар базасини кенгайтириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, нодавлат маданият ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, нодавлат театр ва театр-студияларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга лойиҳаларини амалга ошириш учун грантлар ажратиб бориш тизими жорий этилиши белгиланди.

Шу йил бошидан мамлакатимизга 3 миллионга яқин сайёҳ келиб, ўсиш суръати 37 фоизни, туризм хизматлари экспорти эса 48 фоиз ўсиб, 1,1 миллиард долларга етгани қайд этилди. 2030 йилга қадар 20 миллион хорижий сайёҳни жалб қилиш, 2026 йилда эса 12 миллион туристга хизмат кўрсатиш мақсад қилинган.

▶ Давоми 2-бетда

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИҚТИСОДИЁТИДА ЮҚОРИ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри иқтисодиётида юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, мавжуд захираларни тўлиқ ишга солиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шароитлар яратиш юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда бугунги кунда жаҳондаги сиёсий ва ҳарбий зиддиятлар, ташқи бозорлардаги ўзгаришлар экспорт занжирлари ва махсулот етказиб бериш муддатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги таъкидланди. Бундай шароитда қўшимча захираларни аниқлаб, уларни тезкор ишга солиш устувор вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Пойтахт миллий иқтисодиётда алоҳида ўрин тутиши қайд этилди. Бугунги кунда Тошкент шаҳри ялпи ички маҳсулотнинг 21 фоизини таъминламоқда. Жорий йил “Пойтахтда жадал ривожланиши ва аҳоли даромадлари ўсиши йили” деб эълон қилиниб, шаҳар иқтисодиётини 12 фоизга ошириш, 3,6 миллиард долларлик экспортни таъминлаш, 9 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ва 616 минг аҳоли бандлигини таъминлаш каби катта марралар белгиланган.

Шу муносабат билан шаҳар ҳокимлиги, унинг 12 нафар ўринбосари ва 12 та туман ҳокими проактив иш ташкил қилиб, sanoat, eksport, investitsiya va turizm soxalari dagi ehtimoliy pasayishlar ning oldini olishi zarurligi taъki dlandi.

Президентимиз бунинг учун пойтахтда меҳнат ресурслари ҳам, молиявий имкониятлар ҳам етарли эканини таъкидлади.

Йиғилишда жорий йил янгица ёндашув асосида шаҳарнинг 12 та тумани аниқ бир sanoat eки хизмат кўрсатиш тармоғига ихтисослаштирилиши қайд этилди.

Жумладан, Бектемир тумани кимё sanoati va ulgurji savdogo, Mirzo Ulugbek tumani oziq-ovqat sanoati, turizm va umumiy ovqatlanishga, Uchena zargarlik, maishiy xizmat va chakana savdogo, Chilonzor farmatsevtika, savdo, xizmat kўrsatishi va sportga, Shayxontohur mebelsozlik va gastroturizmga, Yunusobod qogoz sanoati va sanoat va moliyaviy xizmatlarga, Yangixayot avtomobilsozlik va logistikaга, Olmazor qurilish materiallari sanoati va taъlimga, Sergeli esa metallurgiya, logistika va avto-servis soxalariga йўналтирилади.

▶ Давоми 2-бетда

МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲА ВА ТАШАББУСЛАР АНИҚ РЕЖА АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИҚТИСОДИЁТИДА ЮҚОРИ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Эндиликда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, унинг туристик салоҳиятини ошириш бўйича манзилли дастурларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу мақсадда ҳудудларда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва соҳани лойиҳавий бошқарув асосида ташкил этиш чоралари кўриб чиқилди. Хусусан, 2026-2027 йилларда ҳудудларда 31 та мастер-режани амалга оширишни бошлаш, 40 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, жойлаштириш воситалари сонини 8 минг 250 тага, туризм қишлоқлари ва маҳаллаларининг умумий сонини 84 тага олиб чиқиш режалаштирилган.

Янги сайёҳлик маҳсулотларини шакллантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича

ҳам қатор механизмлар кўзда тутилган. Жумладан, хорижий туристларни жалб қилишга қаратилган тарғибот харажатларининг 25 фоизгача қисми, бироқ 500 миллион сўмдан ошмаган қисми қоплаб берилиши, туристлар учун маданий-оммавий ва саҳналаштирилган томошаларни тизимли йўлга қўйган хусусий тадбиркорларни рағбатлантириш, сервис соҳасидаги маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида амалий ўқув курсларини ташкил этиш назарда тутилган.

Тақдиротда республика туризм салоҳиятини халқаро бозорда кенг тарғиб қилиш бўйича ҳам янги ёндашувлар кўриб чиқилди.

Мутасаддиларга муҳокама қилганда лойиҳа ва ташаббусларни пухта ишлаб чиқиш, уларни аниқ ҳисоб-китоб ва режалар асосида амалга ошириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

Бошланиши 1-бетда

Тошкент шаҳрида ностандарт таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида охириги икки ҳафта давомида 23 мингдан зиёд тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилгани, 1 минг 300 дан ортиқ муаммо аниқлангани, шунингдек, тадбиркорлар томонидан 162 та янги таклиф ва ташаббус билдирилгани маълум қилинди. Бу таклиф ва муаммоларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмаслиги кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, пойтахтда махсус инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини жорий қилиш орқали янги тажриба яратилиши белгиланди. Жумладан, бизнес учун руҳсатнома ва лицензиялар бериш ваколатини тегишли вазирлик ва идоралардан уларнинг ҳудудий бўлинмаларига тушириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг янги ёндашувларини жорий этиш, тадбиркорларнинг логистика билан боғлиқ муаммоларини тезкор ҳал қилиш тизимини йўлга қўйиш, айланма маблағ билан таъминлаш ва бизнесни кенгайтириш учун қўлай шартларда янги молиялаштириш механизмларини ишлаб чиқиш назарда тутилгани қайд этилди.

Тадбиркорлар кўтарган муаммо ва таклифларни тезкор ҳал қилиш учун алоҳида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш таклиф қилинди. Унинг зиммасига туманларни драйвер соҳалар асосида ривожлантириш, иқтисодий ва

ижтимоий конъюктурани доимий мониторинг қилиш, ўсиш нуқталари ва фойдаланилмаётган захираларни аниқлаш, тизимли тўсиқларни бартараф этиш, ғоя ва ташаббусларни шакллантириш, уларни молиялаштириш ва ижросини назорат қилиш вазифалари юкланади.

Умуман, барча имкониятларни сафарбар қилиб, қўшимча 88 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 4,9 миллиард долларлик экспортни таъминлаш ва 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш, бюджетга 2,9 триллион сўм тушум таъминлаш, 65,5 мингта юқори даромадли ва доимий иш ўринлари ташкил этиш бўйича аниқланган янги захираларни ишга солиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, жорий йилда Тошкент шаҳрига қўшимча 500 миллион доллар жалб қилиш мақсадида пойтахт евробондларини чиқариш таклиф қилинди.

Пойтахт тадбиркорларини Тошкент, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятларидаги йирик санат корхоналари билан боғлаб, маҳаллийлаштириш ва кооперацияни кенгайтириш бўйича дастур тасдиқлаш топширилди.

Келгусида йирик халқаро консалтинг компанияларини жалб этган ҳолда Тошкент шаҳри иқтисодиётини чуқур таҳлил қилиш ва ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

ЎЗА

Бошланиши 1-бетда

Қайд этилганидек, соҳада қабул қилинган муҳим дастур ва лойиҳаларнинг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилиши, энг аввало, ишчи-ҳодимларнинг фидокорона меҳнати, касбий маҳорати ва масъулияти самарасидир. Бугунги кунда пойтахтдаги кўп-лаб хонадон эгалари томонидан коммунал хизматлар сифати яхшиланаётгани мамнуният билан қайд этилиб, соҳа вакилларига чуқур миннатдорлик изҳор этилмоқда.

Мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалиги тизимини модернизация қилиш, аҳолининг турмуш даражаси ва яшаш шартларини яхшилашга қаратилган ислохотлар сўнгги йилларда изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар натижасида соҳада нафақат инфратузилма янгиланмоқда, балки хизмат кўрсатиш сифати, бошқарув самардорлиги ҳамда қамров даражаси бўйича ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

— Соҳада таъмирлаш ва модернизация ишлари йилдан йилга кенгаймоқда, — дейди қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари Озода Жўраева. — Сўнгги 9 йил давомида 3,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 51 мингта яқин кўп квартиралар уй таъмирланди,

3,5 мингта лифт ускунаси янгиланди. 2025-2026 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрларик доирасида 9 минг 812 та уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ўтган мавсумдаги 5 минг 409 та уйга нисбатан қарийб 1,8 баробар кўпдир. Шу билан бирга, бошқарув ташкилотлари томонидан қўшимча равишда 6 минг 457 та уйда 117 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Бу хусусий секторнинг соҳадаги фаоллиги ортиб бораётганини кўрсатади.

Байрам тадбирида фидойи ҳодимлар меҳнати эътироф этилиб, тизимда кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган мужассам ҳодимлари ва меҳнат фахрийлари “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочилиси” кўкрак нишони, қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлик билан тақдирланди.

Ушбу натижалар ортида минглаб фидойи мутахассисларнинг меҳнати мужассам. Уларнинг касбий маҳорати, масъулияти ва меҳнатсеварлиги соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалга оширилётган ислохотлар изчил давом эттирилиб, коммунал хизматлар тизими келгусида янада замонавий ва самарали бўлиши кутилмоқда.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА,
ЎЗА мухбири



Фаррух ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти,
“Буюк хизматлари учун”
ордени соҳиби

Бошланиши 1-бетда

Яқинда номин билан юриктиладиган янги мусиқа мактаби очилиши, унда ёш истеъодлар ва ансамбллар фаолият юритиши, шунингдек, ўқитувчиларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиши ҳақида эшитиб, ҳайратини яшира олмадим. Ростки, бу юксак эътибор тўлиғича давлатимиз раҳбарининг ғояси экани мени лол қолдирди. Чунки бу зўр ғоя. Худо хоҳласа, у



МЕН УЧУН ЯНГИ ИЖОДИЙ БОСҚИЧ БОШЛАНДИ

кеलाж авлоднинг камолотида мустақкам илдишлардан бири бўлиб хизмат қилади. Тўғри, менинг номимдаги мусиқа мактаби бўлиши жуда катта шараф. Президентимизнинг ўзи бу ташаббуснинг барча бандиғача белгилаб берганида жуда чуқур маъно ва аънаво мужассам деб биламан. Бу келгусида бошқа мактаблар ҳам ҳавас қиладиган дароҳга айланади!

Юксак эътибор мени янада илҳомлантириб, турли ижодий ғоялар туғилишига сабаб бўляпти. Ёшлар билан ансамбллар тузамизми, дастурлар ва байрамларда қатнашамизми — буларнинг барчаси менга чексиз илҳом бағишламоқда. Худди ўз вақтида ёзилган “Учқудук”, “Шахрисабз” каби кўшиқларимиз қаторида бутун барпо этилаётган янги шаҳарларимиз номи

ҳам ижодимизда пайдо бўлса, ажаб эмас. Шоирларимиз ёсса бўлди, қандайдир оҳанглар ўз-ўзидан қалбдан кўйилиб келяпти.

Бугун мен учун мутлақо янги ижодий бошқич бошланди. Ҳозирги ғайратим билан ҳатто тоғларни талқон қилишга ҳам тайёрман! Кучим етгунча, умримнинг охиригача шу жонажон Ватанимга хизмат қилишга яна бир бор аҳд қилдим ҳамда бунни ўзим учун катта шараф, айни пайтда улкан масъулият деб биламан. Бу масъулиятни бутун онгим, қалбим билан ҳис этиб турибман.

Юртимиз ҳамша таинч, диёримиз обод бўлсин! Биз, санъаткорлар мана шундай дориламон, яхши кунларда халқимизнинг хизматида бўлишга доимо тайёрмиз.

миллий кинофонди фаолиятининг йўлга қўйилгани ҳам сўнгги йиллардаги ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

Эътиборлиси, мамлакатимизда ижод соҳасида яратилаётган имкониятлар туфайли иқтидорли ёшларнинг ижодга қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Хусусан, ёш драматургларнинг асарлари асосида театрларда янги-янги спектакллар саҳналаштирилмоқда.

Санъатнинг ҳеч бир тури қўллаб-қувватловсиз ривожлана олмайди. Мукамал фильм яратиш ёки томошабин қалбидан жой оладиган спектакль саҳналаштириш сармом ва катта меҳнат талаб қилади. Янги Ўзбекистондаги янгиланишлар туфайли нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам эътироф этилаётган қатор фильмлар ишланмоқда.

Ўтган йили “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони билан тақдирланганим мен учун катта шараф бўлди. Бу нуфузли унвон замирида давлатимизнинг санъат аҳлига юксак ҳурмати мужассам деб биламан ва келгусида ҳам бунга муносиб бўлиш учун бор салоҳиятимизни ишга соламан.



Муносабат

Мамлакатимиз тараққийнинг янги бошқичида маданият ва санъат соҳасига алоҳида эътибор қаратиляпти. Кейинги 10 йилда маданият ва санъат соҳасига оид 4 қонун, давлатимиз раҳбарининг 35 қарор ва фармони, Вазирилар Маҳкамасининг 100 га яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани учун ҳам Ўзбекистон маданияти янгиланмоқда, ривожланиш бошқичига кирмоқда. Ҳар йили 15 апрелнинг Маданият ва санъат ходимлари кунини сифатида нишонланаётгани бу борада муҳим аҳамият касб этапти.



Юсуфжон УСМОНОВ,
маданият вазири ўринбосари

СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ ЭЗГУ МАҚСАДИ

Кўп йиллар иши тўхтаб қолган Ўзбекистон давлат филармонияси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси, Халқаро фестиваллар дирекцияси, “Баҳор” давлат рақс ансамбли фаолияти йўлга қўйилди. Бу ижодий жамоаларнинг маданий ҳаётда ўз ўрни ва хизмати бор. Шунингдек, Тошкент шаҳрида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти очилди. Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби Ўзбекистон давлат хореография академияси этиб қайта ташкил қилинди.

2016-2025 йилларда 8 та номоддий маданий мерос объекти ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Шунингдек, маданият ва санъат йўналишида халқаро бахшичилик санъати фестивали, халқаро мақом санъати анжумани, “Лазги” халқаро рақс фестивали, халқаро зардулик ва заргарлик фестивали, Халқаро ҳунармандлик фестивали каби бир қанча фестиваль ва анжуманлар ташкил этилмоқда. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлигимиз туфайли сўнгги 5 йилда 29 та хорижий

улар сони 41 тага етди. Театр санъати вакиллари қатор имтиёз ва имкониятлар берилди. 2016-2023 йилларда 11 театр мукамал таъмирланди, қайта жиҳозланди. Репертуарлар бойитилаётгани томошабин қамровини оширишга хизмат қилляпти. Охириги йилларда 60 га яқин тарихий спектакль саҳнага олиб чиқилди. Томошабинлар қатнови йиллик режанинг 70 фоизини ташкил этган бўлса, 2018-2022 йилларда йиллик таширф 4 миллионга етди. Сўнгги уч йилликда бу кўрсаткич янада ортганини кўраман.

2016-2025 йилларда 8 та номоддий маданий мерос объекти ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Шунингдек, маданият ва санъат йўналишида халқаро бахшичилик санъати фестивали, халқаро мақом санъати анжумани, “Лазги” халқаро рақс фестивали, халқаро зардулик ва заргарлик фестивали, Халқаро ҳунармандлик фестивали каби бир қанча фестиваль ва анжуманлар ташкил этилмоқда. Хорижий давлатлар билан ҳамкорлигимиз туфайли сўнгги 5 йилда 29 та хорижий

давлатда Ўзбекистоннинг маданият кунлари ўтказилди. Иқтидорли ёшларнинг халқаро танловлардаги иштироки сезиларли даражада ошди. Хусусан, 215 нафар ўғил-қизимиз АҚШ, Италия, Франция, Германия, Чехия, Латвия, Испания, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон каби давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллади.

Давр талаби асосида кечаётган рақамлаштириш жараёнидан маданият соҳаси ҳам четда эмас. Маданият вазирилик ва тизимдаги ташкилотларнинг 600 нафар раҳбар ва бошқарув ходими замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича ўқитилди.

Бугун маданият ва санъатимизда эришилаётган ютуқлар таҳлили кенг қамровли. Камчиликларни бартараф этиш борасида ҳам масъулият йўналишти. Бундан буён соҳадаги туб бурилишлар, ислохотлар изчиллигини таъминлаш, халқимиз ишончини оқлаш — эзгу мақсадимиз. Насиб этса, ютуқлар ютуқларга уланиб, салмоғи йилдан йилга ортади. Зеро, Маданият вазирилик томонидан тизимни 2030 йилга қадар ривожлантиришнинг истиқболли лойиҳалари ишлаб чиқилган ва ижрога йўналтирилмоқда.

БУ ЭЪТИБОР БИЗГА МУСТАҚКАМ ҚАНОТ БЎЛАДИ

Кунини кеча Президентимизнинг маданият ва санъат ходимларига йўлаган табриги барча ижод аҳли қатори мени ҳам беҳад қувонтирди. Айниқса, табрикда миллий кино санъатини ривожлантириш, жумладан, “Тирик тарих” туркумида ғоявий ва бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш борасидаги ишларга юксак баҳо берилгани биз учун жуда муҳим.



Карим МИРҲОДИЕВ,
Ўзбекистон Киноарбоблари
ижодий уюшмаси аъзоси,
Ўзбекистон халқ артисти

Давлатимиз раҳбарининг “Сизларнинг билимингиз, тажрибангиз ва ижодий салоҳиятингиз миллий маданиятимизни янги бошқича олиб чиқишига ишончим комил”, деган сўзлари мен каби соҳада фаолият юритаётган ижодкорларда катта фахр уйғотди, десам муболага бўлмайди.

Айниқса, миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни изчил давом эттириш, соҳани қўллаб-қувватлаш, замонавий киносанат инфратузилмасини барпо этиш каби вазифаларни сийқидилдан амалга оширишимизда ушбу эътироф бизга мустақкам қанот бўлади.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан миллий кино санъатини замон талаблари асосида тараққий эттириш, кино ишлаб чиқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, киносанатни тақомиллаштириш ва барқарор ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шу эътибор туфайли юксак бадиий савиядаги қатор фильмлар ишланди. Улар жаҳон кинофестивалларида муваффақиятли намойиш этилмоқда ва мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда.

Кино соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон



Гавҳар ЗОКИРОВА,
Ўзбекистон халқ артисти

Атоқли шоир Шавкат Раҳмоннинг “Бу дунёда нима қолади? Абдий нурлар” деган теран фикри бор. Дарҳақиқат, бу ёруғ оламда инсондан фақат эзгу амаллар ва меҳрга ташна кўнгил қолади. Давлатимиз раҳбари ана шундай минглаб кўнгилларга йўл топа олди.

Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон маданиятида ўчмас из қолдирган Зокировлар сулоласига кўрсатилаётган эътиборни келтириш мумкин. Агар устоз санъаткор Карим Зокиров фарзандларининг эл-юрт олдига хизмати учун шундай юксак эъзо ва эътирофга сазовор бўлаётганини кўрганда,



САНЪАТ АҲЛИГА ҒАМХЎРЛИК



Давлатимиз раҳбарининг санъат ва маданият соҳасига эътибори алоҳида таҳсинга муносиб. Яқин-яқингача соҳа ходимлари учун фақат Театр кунини байрам сифатида нишонланар эди. Энди Президентимиз ташаббуси билан санъаткорлар учун алоҳида сана белгиланди. Бу воқеа бутун соҳа вакиллари — нафақат актёрлар ва хонандалар, балки сахна ортида заҳмат кечаётган минглаб инсонлар: декораторлар, рассомлар, либос усталари ва бошқа техник ходимлар учун ҳам катта тўхфа бўлди. Мазкур эътибор миллионлаб ижодкорларнинг кўнглини тоғдек кўтариб, уларга юксак ишонч ва қувонч бағишламоқда. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу эътибор орқали ҳар бир инсоннинг кўнглини топишга ҳаракат қилинмоқда.

чексиз бахтиёр бўлар эди. Ҳар бир ота-онанинг энг олий орзуси — Ватанига наф келтирадиган, йўлини муносиб давом эттирадиган фарзанд ўстиришдир. Бугун устоз санъаткорларимизнинг руҳи шод. Чунки уларнинг меросхўрлари халқимиз хизматида ва давлатимиз ардоғида.

Баян инсон қалбидан кечаётган ҳисларни ифодалашда ҳатто сўз ҳам ожизлик қилар экан. Бугун юртимизда санъат ва маданият аҳлини қадрлаш борасида рўй

бераётган бу каби гўзал воқеаларни кўриб, дилдаги ҳаяжонни сўз билан таърифлаш мушкул.

Бугун Ўзбекистондаги янги имкониятларга, ислохотларга бутун дунё ҳавас билан қарамоқда. Ягона тилагимиз шуки, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақи йўлида заҳмат кечаётган давлатимиз раҳбарига куч-қувват ёр бўлсин. Бошланган барча буюк ва хайрли ишлар бардавом бўлишини тилаймиз.



ТАМАДДУН

тафаккур

Хабарингиз бор, бундан тўққиз йил олдин мазкур мажмуани барпо этиши ҳақида махсус қарор қабул қилиб, амалий ишларни бошладик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинган бу эзгу ташаббусимиз жаҳон жамоатчилиги, айниқса, ислом ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бу ҳар жиҳатдан улкан лойиҳани амалга ошириш учун шошилмадик, етти эмас, еттиши марта ўйлаб, узоқни кўзлаб, тинимсиз изландик. Ниҳоят, қадимдан Тошкентни азимнинг маънавий маркази бўлиб келган Ҳазрати Имом мажмуаси ёнида, кўриб турганингиздек, бетакрор архитектурага, чинакам миллий руҳ ва миллий қиёфага эга бўлган шарқона шаҳарча барпо этилди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Фотилас

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ДУРДОНАСИ

Минбар



Отабек ИСРОИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюмси аъзоси

Бироқ бу улугликини кўз олдимизда гавдалантириш учун тасаввуримиз, тан олайлик, бир қадар ожизлик қилиб қоларди. Бир мисол. Муғуллар истилосига қадар ҳозирги Нурафшон, Оҳангарон ва Олмалик худудларида Илоқ давлати, унинг пойтахти сифатида Нукут — ҳозирги Нурафшон шаҳри гуллаб-яшнаган, савдо-сотик, иқтисодиёт ва маданий ҳаёт ривожланган. Нурафшон шаҳридаги Улкан Тўйтепа археологик ёдгорлигидан топилган ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланаётган оссурий ҳам бунни тасдиқлайди.

Олмалик хурматли профессоримиз Абдурашид Ҳасанов томонидан тайёрланган экспонатларда бундан минг-минг йиллар муқаддам Ўзбекистонда, айнан Тошкент вилоятида тоғ-кон санати жуда яхши ривожланганини кўриш мумкин. Ибтидоий жамоалар даврида баъзи ўлкаларда одамлар қайроқтош ёрдамида олов ёқиб, ҳайвон терисини ошлаб-ошламай, унга ўраниб юрган бир вақтда зукко аждодларимиз ўз дастоҳларида оловни ўйнатиб, ер ости қазилмаларига ишлов берган ва бу орқали кочилчи санати ҳамда уни қайта ишлаш технологияларини яратган.



Тарих ва талқин

Узбекистон — тамаддулар туташган тарихий нуқта. Биринчи ва Иккинчи Уйғонши даври ва бу даврларда яратилган кашфиётлар ҳақида сўзинг ўзи ортиқча. Бироқ бир алам кўксимни бўридек тирнар эди. Гап шундаки, 2013 йилда Германия киножоҳкорлари тасвирга олган “Табоб: Ибн Сино шогирди” фильмини яқинда томоша қилдим. Бу фильмда бухоролик қомусий аллома ва улуг ҳаким Абу Али ибн Сино ҳаётининг сўнгги йиллари бадий тасвирга олинди. Аммо шу орқали Марказий Осиё тарихига таҳдид қилинади, фактлар нотўғри кўрсатилади, салжувчилар босқинчи сифатида намойиш этилади ва ўтиб тушгани, Ибн Сино худкуш сифатида талқин қилинади. Бундан-да кўпроқ

алам қиладигани эса Ибн Синони тиббиётдаги муваффақиятлари сари германиялик шогирди Роб Коул руҳлантиргани эди. “Википедия”да Роб Коул XIX асрда яшаганини кўр ҳам ўқий олади! Устига устак, бу фильмда “Тиб конуналари” ҳақида ломим дейилмаган. Табиатан курашувчан, мард ва зукко бўлган Ибн Сино ожиз одам сифатида гавдалантирилган. Ҳатто фильм ижодкорлари ҳақимнинг вафотини ҳам сохталаштирган. Бу нафақат тарихга таҳдид, Ибн Сино шахсига ҳурматсизлик ҳамдир! Қолаверса, дунё тиббиёти отаси Исфохонда вафот этмаган-ку. Шайх ур-раис ўз жонига қасд қилиб, худкуш ҳам бўлмаган! Хасталик оқибатида сафар чоғи қазо қилади ва Ҳамадонга дафн қилинади. Тўғри, режиссёр Филипп Штёльцль фильмда сценарий иши, режиссёр иши, операторлик иши, актёрлар маҳорати, ҳаммаси ҳам чакимас. Аммо тарихий ҳақиқат-чи? Мантиқ-чи? Очиги, ҳафсалам пир бўлди. “Уртоқ “Ўзбекфильм”, халқнинг кутар сўз”, деган халқчил шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг сатрларини эсладим.

Алломаларимиз тўғрисида миллий бадий асарларимиз, миллий киноларимиз, миллий илмий тадқиқотларимиз фақат ўзимиз ё чора-тадбирларда белгилангани учун эмас, виждонан

яратилиши керак. Бу асарлар жаҳон ҳамжамияти савияси ва даражасида бўлмас экан, тарихимиз тўғрисида улар тўққан чўпчаларни эшитиб ўтиришга мажбур бўлиб қоламиз. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан Кинематография агентлигига берилаётган имкониятлар, кўрсатилаётган гамхўрликлар без ва бежиз кетмаслигига умид қилиб қоламиз. Зеро, Ислום цивилизацияси маркази кўхна тарихимизни шода-шода маржон каби кўз олдимизда яққол кўрсатиб турибди.

Яна бир фикрни айтиб ўтишни бурчим деб ҳисоблайман. Яъни марказдаги даярлик барча экспонатлар ҳақиқий. Дунёнинг турли нуқталарига тарқалиб кетган ноёб дурдоналар ҳам ватанимизга қайтарилмоқда.

Бу муазам маскан билан танишиш асносида Ўзбекистонда ислом тамаддунига оид бой илмий ва маънавий меросни тиклашга қаратилган муҳим лойиҳалар амалга оширилаётганидан воқиф бўлдик. Шундай лойиҳалардан бирида жаҳон ислом санъати тарихида беназир намуна сифатида тан олинган асар — Умар Ақтаъ томонидан XIV-XV асрларда Амир Темур буюртмасига биноан яратилган улкан Қуръон кўлёмасининг нусхасидир. Бунини шунчаки каллиграфия деб бўлмайди. Ривоятларга кўра, Амир Темур ўз саройи учун шундай Қуръон яратилишини истаганки, у ўқилганда одамлар ҳайратдан жим бўлиб қолсин. Дастлаб Умар Ақтаъ унга узук кўзига жойлашадиган даражада кичик мушхاف ҳада қилади. Аммо Соҳибқирон бундан мамнун бўлмаган ва “Қуръони қаримни бу қадар кичрайтириш Аллоҳнинг каломига муносиб эмас”, дея фикр билдирган. Шундан сўнг Умар Ақтаъ ўша замон учун мислсиз ҳажмга эга мушхاف битишга киришган. Бу иш нафақат руҳий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам улкан меҳнат талаб қилган. Токай XXI асрнинг илк йилларигача бу қўлёмма дунёдаги энг йирик Қуръон китоби, дея эътироф этилган.

Мазкур Қуръоннинг ҳар бир саҳифаси 1,25 х 2,25 метр ҳажмида. Бундай улкан саҳифаларни оддий одам кўтара олмаган — улар махсус араваларда Темур саройига олиб кирилган. Шунга кўра, баъзи тадқиқотчилар ушбу мушхافни “elephantine Qur’an” (“филдек улкан Қуръон”) деб атаган. Афсуски, ушбу қўлёманинг тўлиқ нусхаси сақланмаган. Аммо унинг бир қанча саҳифалари дунё музейларида, йирик коллекцияларда сақлаб келинмоқда. Лондон, Нью-Йорк, Вашингтон ва Торонтодаги музей ва галереялардаги мушхاف шуллар жумласидан. Президентимиз ташаббуси билан Лондондаги нуфузли “Sotheby’s” савдо уйи томонидан ўтказилган аукционда ушбу ноёб Қуръон кўлёмасининг саҳифаси сотиб олинди ва Ўзбекистонга олиб келинди. Ҳозирги кунда юртимиздаги Ислום цивилизацияси марказида сақланмоқда.

Гурур ва масъулият

Марказда академия, кутубхона, архив ва қўлёмалар фонди ташкил этилгани айни мuddао бўлгани эътироф этилмоқда. Уларда бугунги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк мутафаккирлар ва уламоалар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир мамлакатимиз ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёмма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори атиқалар, шу йўналишдаги замонавий илмий тадқиқот ишлари, видео ва фотоҳужжатлар жамланган. Илк марта расмий манбаларда 2017 йилнинг сентябрь ойида Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасига туташ худудда Ислום цивилизацияси маркази барпо этилиши тўғрисида хабарлар тарқалган эди. Орадан ўн йилга яқин вақт ўтиб, режа ва лойиҳалар бутун кўз олдимизда қад ростилаб турибди. Бу марказнинг қурилиш жараёни ҳақида шу ерда қурувчи, юк машинаси ҳайдовчиси сифатида хизмат қилган яқин биродарларимдан эшитган эдим. Аммо юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал деб бекорга айтилмас экан. Ислום цивилизацияси маркази билан танишиш орқали бу тарихий-илмий маскан янги Ўзбекистон меъморчилигининг бетакрор ва бебаҳо дурдонаси бўлганини эътироф этамиз, гурур ва масъулият ҳиссини туямиз. Бунга имкон ва шароит яратгани учун барчага ташаккур!

“ГИННЕССНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ” БИЗГА БЕГОНА ЭМАС

Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази дунёдаги энг йирик ислом цивилизацияси музейи сифатида расман эътироф этилди ва нуфузли Guinness World Records мукофотиغا сазовор бўлди. Бу ҳақидаги сертификатни марказ илмий кенгаши аъзоларига тантанали топшириш маросимида расмий вакил ва ҳакам Шейда Субаши иштирок этди. Тадбирда лойиҳани амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшган архитектор, лойиҳачи, дизайнер ва қурувчилар ҳам ҳозир бўлди.

Ҳазрати Имом мажмуаси худудида жойлашган ушбу марказ улугвор меъморий кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Худуд майдони 10 гектар, бинонинг узунлиги 161 метр, кенлиги 118 метр, гўмбазининг баландлиги 65 метр, хоналарнинг умумий майдони эса қарийб 50 минг квадрат метрни ташкил этади. Айнан шу хусусиятлар жаҳон рекордига асос бўлган. — Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази бой тарихий мерос ва замонавий музей технологиялари уйғунлигини намоён этувчи ноёб намунадир, — дейди Шейда Субаши. — Мажмуанинг кўлами, концептуал яхлитлиги ва амалга ошириш даражаси Guinness World Records мезонларига тўлиқ мос келади. Бу нафақат энг йирик музей, балки маданиятлар мулоқоти ва биллимининг келажак авлодларга етказиш учун замонавий платформа ҳамдир. Айни пайтда марказ минтақадаги энг кўп ташриф буюриладиган илмий-маданий масканлардан бирига айланб улгурди. Бу ерга ҳар куни 5000 нафаргача ташриф буюрувчи келмоқда. Guinness World Records унвонининг берилиши нафақат лойиҳа кўламининг эътирофи, балки уни амалга оширишда иштирок этган юзлаб мутахассис, олим ва экспертлар меҳнатига берилган юксак баҳодр. — Шубҳасиз, бу мукофот Ўзбекистон Президентининг муаллифлик лойиҳасига берилган муносиб эътирофдир, — дейди Ислום цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухалиқов. — Энди мавжуд салохиятдан самарали фойдаланиб, Ўзбекистоннинг бой маданий меросини асраш ва оммалаштиришга қаратилган кенг кўламли илмий-маърифий лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, исломнинг эзгулиги, тинчлик, маърифат ва бағрикенглик дини эканини тарғиб қилиши давом эттириш асосий мақсадимиз ҳисобланади. Guinness World Records эътирофи Ўзбекистоннинг ислом илм-фани, маданияти ва маърифати соҳасидаги муҳим сийёҳлик ва тарихий марказ сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Шунингдек, марказнинг ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва маданий хилма-хиллик тамойилларига асосланган цивилизациялар мулоқоти учун замонавий платформа эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тасниф

Экспозицияда ислом динининг Мовароуннахрга тарқалиши, маҳаллий аҳоли маданиятига таъсири, олимларнинг ислом илмлари ривожига ҳиссаси кўрсатилган. Шу пайтгача Қусам ибн Аббос, Абу Ҳафс Кабир каби шахсларнинг ҳаёти ва илмий мероси етарли даражада ўрганилмаган. Экспозицияда эса улар ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилган.



Бир экспонат тарихи



БИРИНЧИ РЕНЕССАНС ЭКСПОЗИЦИЯСИ

асрларда Мисрда мамлуклар даврида ясалган калитларини, қисванинг 2023 йили Саудия Арабистон Подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз Ўзбекистон раҳбарига тухфа қилган парчасини кўриш мумкин.

Шунингдек, ушбу залдан Биринчи Ренессансга бағишланган 4 дақиқали ролик ҳам ўрин олган.

Капсулалар

Залнинг ўнг томонида еттига капсула бўлиб, уларнинг ҳар бири Биринчи Ренессансга

ҳукмдорларига юборган мактублари нусхаси, Каъба сурати ва дуолар битилган кашталар, Қуръони каримнинг IX-XI асрларга оид саҳифалари ва қўлёзмалари ўрин олган.

Иккинчи капсула Байт ул-ҳикмага бағишланган. Буюк олим Муҳаммад Хоразмий унда раҳбар сифатида фаолият юритган, алгебра фанига асос солган. Байт ул-ҳикмада фаолият юритган яна бир олим Аҳмад Фарғонийдир. У Нил дарёсида қурилган махсус сув ўлчовчи асбоб — нилометри тубдан такомиллаштирган. Бу нилометр

Абу Наср Форобий сиёсий фалсафа ва ижтимоий психологияга бағишланган “Фозил одамлар шаҳри” асарини ёзган. Унда намунавий давлат моделини тавсифлаб берган. Шунингдек, “Мушиқа ҳақидаги катта китоб”да мушиқа назарияси ва тарихи ҳақида тизимли маълумот берган, уд чолгу асбобини яратган. Президентимиз аллома меросига алоҳида тўхталиб, Форобийнинг Марказий Осиё тарихидаги муҳим сиймолардан бири эканини таъкидлаган эди.

Учинчи капсула Маъмун академияси, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний сингари алломалар меросига бағишланган. Беруний яшаган даврни дунё олимлари “Беруний асри” деб атаган. Бу эътирофи Фредерик Старр ҳам кўп таъкидлаган. Берунийнинг “Тафҳим”, “Осор ул-боқия” асарлари, Абу Али ибн Сино асарининг XIV асрга оид ибороний тилидаги таржимаси факсимиле наشري ҳамда “Китоб уш-шифо”нинг 1494 йили Хиротда кўчирилган нусхаси жойланган.

Тўртинчи капсуланинг кўйи қаватида ушбу экспозицияга доир икки дақиқали ролик томоша қиласиз. Иккинчи қаватда Абу Райҳон Беруний 1037 йили ишлаб чиққан ва Ўзбек олимлари қайта тиклаган ярим шарни кўришнингиз мумкин.

Марказ фаолиятида сомониелар, қорахонийлар, салжукийлар, хоразмшоҳлар давридаги цивилизация жараёнларида алоҳида эътибор қаратилган. Витриналарда ҳар бир давр бўйича алоҳида артефактлар, миниатюралар, маълумотлар жамланган.

Шунингдек, кейинги учта капсула ислом илмларининг буюк намояндalар Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий сингари алломаларга бағишланган. Уларнинг мақбаралари макети, асарлари, ҳаёти ва фаолияти билан танишиш имкони мавжуд.



алоқадор мавзуларга қаратилган. Мазкур капсулаларда турли видеоролик, қўлёзма, тарихий артефакт, макет ва муляжларга дуч келасиз.

Масалан, биринчи капсулада ислом динининг тарқалиши билан боғлиқ маълумотлар, видео ва интерактив матнлар, Муҳаммад алайҳиссаломнинг жаҳон

гидростатика қонунига асосан ишлаган. Шу қурилма ёрдамида Нил дарёсидаги сув ҳажми ўлчанган. Бир йиллик сув миқдори, Нил дельтасида олинadиган ҳосил олдиндан ҳисоблаб берилган. Шунга қараб, давлат аҳолидан солиқ ундирган. Қурғоқчилик ёки сув тошқинлари олдиндан тахмин қилинган ва уларга тайёргарлик кўрилган.

80 МИНГ ЙИЛЛИК ТОШ ҚУРОЛ ВА КАМОН ЎҚЛАРИ УЧИ

Экспозициялардаги нодир экспонатлардан бири бундан 80 минг йил аввал ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудида фойдаланилган тош қуроллар ва камон ўқлари учидир. Обираҳмат ғоридан топилган ушбу тош қуроллар ўрта палеолит даврига (милоддан аввалги 100-40 минг йилликка) мансуб бўлиб, Марказий Осиё ҳудудида инсон фаолиятини ўрганишда муҳим илк археологик манбадир. Ушбу топилмалар асосан чақмоқтошдан ясалган, айрим намуналарда кварцит ва бошқа мустаҳкам тош жинсларидан ҳам фойдаланилган.

Қуроллар уриб йўниш ва қирқиб шакл бериш усуллари орқали тайёрланган. Улар орасида пичқосимон пластиналар, қирғичлар, тешигичлар, найза ва камон ўқлари учи каби турли функцияга эга ашёлар мавжуд. Мазкур қуроллар қирқиб, тешиб йўниш, ҳайвон терисини ишлаш, ёғочга ишлов бериш, суякни парчалаш ҳамда ов қилиш жараёнларида кенг қўлланган.

Шунингдек, микролитлар, яъни кичик ўлчамли, ўта учли тош қуроллар ҳам ибтидоий инсон тафаккурининг муҳим ютуқларидан бири сифатида эътироф этилади. Улар, айниқса, мезолит ва неолит давларида кенг тарқалган бўлиб, мураккаб композицион қуроллар, масалан, ёғоч ёки суяк асосга жойлаштирилган

ўқлар учини тайёрлаш имконини берган. Хомашё сифатида чақмоқтош, кварцит ва обсидиан каби жинслар ишлатилган.

Мазкур археологик материаллар ибтидоий одамларнинг овчилик ҳўжалиги, меҳнат малакаси ва технологик тажрибаси муайян даражада ривожланганини кўрсатади. Улар инсоннинг табиат неъматларидан онгли ва мақсадли фойдаланишни ўргангани, меҳнат жараёнида тажриба тўплаб, қуролсозлик аъёналарини такомиллаштирганлини яққол намоён этади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Фотосаёҳат

МАРКАЗГА ЭЛТУВЧИ КЎЧА

Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази тикланиши баробарида Хастимом маҳалласи ҳудуди, унга туташ кўлаб кўча, майдон ва иншоотлар ҳам янгидан чирой очди, мисли кўрилмаган даражада обод бўлди. Мажмуа аҳоли, қолаверса, пойтахтликлар ва меҳмонлар учун маънавият ўчоғига, тарих кўзгусига, маданий ҳордиқ чиқарадиган масканга айланди.



Эскижўва бозори ёки Абдулла Қодирий ижод мактаби томонида Зарқайнар кўчаси бўйлаб Ислам цивилизацияси маркази сари пиёда юрсангиз, пойтахт маҳаллаларининг азалий файзу тароватига ошно бўласиз.

Ушбу тор ва узун кўчада олиб борилган қадимий услубдаги таъмирлаш ишларидан нафақат хорижий сайёҳлар, балки маҳаллий аҳоли — ёш кекса хайратга тушмоқда.

Бундан ташқари, тарихий Корасарой кўчасини ҳам бугун таниш қийин. Бу ердан ўтказилган автомобиллар учун ер ости йўли, икки чеккада мумтоз услубда қад ростлаган меҳмонхоналар, савдо расталари мажмуанинг яхлитлигини таъминлашга хизмат қилади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Мулоҳаза

Сўнги йилларда сунъий идрок ва рақамли технологияларга асосланган халқаро лойиҳалар жадал оммалашиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Аксарият ривожланган давлатларда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни айна шу шундай инновациялар билан ҳамоҳанг олиб бориш аллақачон кундалик заруратга айланган.



РАҚАМЛИ ДАВР МУТАХАССИСИ фақат бир соҳани билиши етарлими?

Президентимизнинг 2026 йил 4 апрелдаги "Мамлакатда янги ишланмалар асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимини жорий қилиш ҳамда илм-фанни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида айни шу муҳим мақсадлар ўзининг аниқ ифодасини топган. Мазкур мақсадлар олдимизда турган ўта муҳим вазифаларни сунъий идрок имкониятлари билан уйғунлаштириш ҳамда қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Энди ўзлаштирилган билимларни қалин китобларда ёки фақат назарияда қолдирмай, зудлик билан тижорийлаштириш, технологик трансферларни йўлга қўйиш каби амалий қадамларга ўтиш фурсати етди. Бугун биз тайёрлаётган кадрлар шунчаки билимлар эгаси эмас, балки ўзлаштириш қўнимсизлиги иқтисодий ва ижтимоий қадриятга айланган оладиган замонавий мутахассислар бўлиши қатъий талаб этилмоқда.



Нозлия НОРМУРОДОВА, филология фанлари доктори, профессор

Туманитар йўналишга ихтисослашган олий таълим муассасалари орасида узоқ йиллар давомида сақланиб келган ва муайян маънода тараққиётга тўсиқ бўлган эски қарашлар мавжуд. Энди технологик жараёнлар фақат аниқ фанларга алоқадор деган аниқ фикрдан бутунлай воз кечиб вақти келди. Ҳозирги мутахассис учун фақат ўз йўналиши доирасида билимга эга бўлиш етарли эмас. У соҳалару, яъни фанларнинг ўзаро туташуви нукталарида ҳам эркин ҳаракатлана олиш қўнимсизлиги пухта ўзлаштириши шарт. Компьютер лингвистикаси ва сунъий идрок каби мураккаб йўналишларни адабиёт, таржима-шунослик, социология, психология ҳамда халқаро муносабатлар сингари аънанавий гуманитар фанлар билан қамбарчас боғлаш орқали мулқоқ янги, истиқболли тармоқларни кашф этиш долзарб эҳтиёжга айланган. Улкан матиларни автоматик таҳлил қилиш, жамиятдаги ижтимоий


бир давлат дастурини қуруқ ёдлаш ёки шунчаки қоғозда ижро этиш билан чекланиб бўлмайди. Аксинча, уларни замонавий талаблар, инновацион ёндашувлар ҳамда рақамли технологиялар нуктаи назардан чуқур таҳлил қилиб, таълим тизимига мослаштириш ҳолда таълим тизимига тўғри йўлди. Шундагина олийгоҳларга сарфланаётган давлат сармояси ва хусусий инвестиция ўзини тўла оқлайди ҳамда жамият учун реал манфаат келтирадиган илмий маҳсулотларга айланади.

Шундай кенг қўламли ислохотлар халқаро майдонда ҳам мутахассислар диққат марказидан четда қолаётгани йўқ. Нуфузли халқаро рейтинг агентликлари олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолашда сунъий идрок элементларининг фан дастурларига қай даражада синдирилганига қатъий эътибор қаратмоқда. Рейтинг тузувчилар университетнинг умумий стратегик режасидаги ахборот технологияларига оид жиҳатларини энг муҳим мезонлардан бири сифатида қабул қилган. Энди таълим даргоҳлари яна бир ўта жиҳдий ва мураккаб чигириндан, аниқроқ, технологик мослашувчанлик синовидан ўтказилмоқда. QS халқаро рейтинг агентлигининг айна фанлару ёндашуви баҳолаш махсус рўйхатида юртимиздаги етти университет эътироф этилгани қилинган машаққатли меҳнатларнинг дастлабки самараси бўлди.

Еш авлодди фақат йирик шаҳарларда эмас, энг чекка ва олис ҳудудларда ҳам замонавий илмларга ошно қилиш таълим сисъатининг ўзак масаласига айланиб бормоқда. Хусусан, хорижий тилларни пухта ўзлаштириш, халқаро миқёсда эътироф этилган юқори даражадаги сертификатларга эга мутахассисларга оид қиллоқларда махсус ўқув марказлари очил учун кенг имкониятлар яратилаётгани эътиборга

молик. Ана шундай ташаббуслар замирида ёшларга нафақат сифатли таълим бериш, балки уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, узоқ муддатли имтиёзли сармоялар ажратиш орқали ҳудудлар ўртасидаги инфратузилма тафовутини кескин қисқартириш мақсади муважжам.

Олимларимизнинг фундаментал ва амалий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришда синиб кўриш ҳамма катта маблаг талаб қилган. Энди ана шу таъриба-синов ишлари учун сарфланадиган харажатнинг махсус жамғармалар ҳисобидан қоплаб берилиши соҳа мутахассисларига катта руҳий ва моддий дада бўлмоқда. Иқтидорли талаба ўз гоёсини шунчаки қоғозга туширибгина қолмай, уни муваффақиятли



тижорийлаштириш асосида тайёр маҳсулот даражасига олиб чиқиш имконига эга. Таълим даргоҳлари ҳузурида очилаётган янги авлод корхоналари, хусусан, интеллектуал салоҳиятга таянган спин офф лойиҳалар шунчаки таъриба майдончаси бўлиб қолмайди. Уларнинг сармоявий фондида улуш қўлиши ва олинган соф фойдани яна бевосита илм-фанга йўналтириш механизмнинг қонуний қафолатланаётгани иқтисодий мустақиллик сари ташланган салмоқли қадамдир.

Вазирлик тизимида ва университетлар ҳузурида ташкил этилаётган янги инновацион корхоналар ҳамда илмий экотизимлар амалда иқтидорли ёшларнинг қўнимларини реал иқтисодиётга таъбиқ этишга хизмат қилади. Мазкур янгилик амалий платформалар орқали нафақат муҳандислар, балки жамиятшунос ва тишуннос илмувчиларнинг ҳам ўз интеллектуал салоҳиятини тижорийлаштириши кўзда тутилган.



АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОР БЎЛСА, ДАВЛАТ КУЧЛИ БЎЛАДИ

Амир Темур барпо этган давлат нафақат ҳарбий куч, балки аниқ қонунлар, қатъий интизом ва самарали бошқарув орқали мустаҳкамланган. Унинг давлатчилик мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, замонавий давлат бошқаруви тизимлари учун муҳим назарий ва амалий манба бўлиб хизмат қилмоқда.



Равшан ИКРОМОВ, Чирчиқ давлат педагогика университети профессори

Қонуни устуворлиги демократик ва ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири бўлиб, у жамиятда барча учун қонуннинг тенглигини аниглайди. Яъни давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар бир хил даражада қонунга бўйсунуши шарт.

Соҳибқирон давлат бошқарувида айна шу тамойилга устувор аҳамият берган. Унинг сиёсий қарашларида қонуни давлатнинг таянчи, адолат эса унинг асосий мезони сифатида намойён бўлади. Темурийлар даврида қонунларга риоя қилиш мажбурий характерга эга бўлиб, ҳатто юқори мансабдор шахслар ҳам қонун олдида жавобгар ҳисобланган. Бу давлат тизимида тартиб-интизом ва барқарорлиқни таъминлаган. Қонуни устуворлиги нафақат жазо тизими, балки олдини олиш чоралари сифатида тарбия ва масъулият ҳиссини ошириш орқали таъминланган ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилган.

Амир Темур ўз сисъатини айна адолат тамойилига қўрган. У халқ манфаатларини ҳимоя қилишни давлатнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаган. Ҳар қандай зулм, ноҳақлик ва адолатсизликка қарши қатъий курашган. "Темур тузуқлари"га ҳуқуқий тизимнинг мустаҳкам пойдевори сифатида қараш мумкин. Ушбу асар ўша давр учун ўзига хос қонунлар мажмуаси бўлиб, унда давлат бошқарувининг барча жиҳатлари қамраб олинган. Хусусан, давлат бошқаруви тартиби, ҳарбий интизом, солиқ сисъати, суд ва жазо тизими аниқ белгилаб қўйилган. Тузуқларнинг энг муҳим жиҳати унда қонуни устуворлиги ва адолат тамойилларининг ҳал қилувчи ўрин тутишидир. Бу эса давлат бошқаруви самарадорлигини таъминлаган.

Соҳибқирон давлат бошқарувида аниқ тартибли қоидалар ва иерархияни жорий этди. Давлатни идора этишда марказлашган бошқаруви устувор деб билди ва барча муҳим жараёнларни ягона сиёсий марказ орқали амалга оширди. Унинг бошқарувида лавозимларга муносиб ва салоҳиятли шахсларни тайинлаш, ҳар бир амалдорнинг аниқ вазифа ва жавобгарлигини белгилаш, давлат ишларида интизом назоратини қўйиш ҳамда халқ манфаатлари устуворлигини таъминлаш каби тамойиллар асосий ўрин тутди. Бошқарувида масъулият масаласи кучли йўлга қўйилган бўлиб, ҳар қандай сисъатсизлик жазосиз қолмаган. Бу эса давлат бошқаруви самарадорлигини сезиларли даражада оширган.

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда қонуни устуворлиги ва адолат тамойиллари асосий вазифа сифатида белгиланган. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизими ислох этилмоқда, давлат органлари фаолиятининг очик ва шаффофлиги таъминланган. Коррупцияга қарши кураш кучайтирилмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя этилиши назоратга олинмоқда. Давлат хизматлари рақамлаштирилиши, ўз маъмунига қўра, Амир Темурнинг давлатчилик аънаналари, хусусан, адолат ва қонуни устуворлигига асосланган бошқаруви тамойиллари билан уйғунлиги касб этади. "Инсон қадри учун" тамойили илгари сурилиши эса давлат сисъати марказида инсон манфаатлари турганини яққол намойён қилмоқда.

Жорий йилининг 5 феврал учун мамлакатимиз раҳбарининг "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. 9 апрель кун Тошкентда "Амир Темур ва

темурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Унда 15 мамлакатдан келган олим ва тадқиқотчилар темурийлар меросини муҳокама қилди. Президентимиз тадбир қатнашчиларига йўлаган табригида: "Маълумки, Амир Темур ота юрти Шаҳрисабзда ўзи бунёд эттирган гўзал мезморий обида — Оқсарой пештоқиқа "Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шориридир", деган сўзларни ёздирган эди.

Бу ҳикмати сўзлар бугунги кунимиз учун ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Чунки тиңчилик ва адолат ҳукм сурган жойдагина илм-маърифат, санъат, адабиёт ҳамда маданият тараққий топади. Шу маънода, темурийлар Ренессанс нафақат Турон ўлкаси, балки бутун Шарқ оламнинг илм-фани ва маданий раванқига кучли таъсир кўрсатиб, янги маънавий юксалиш даврини бошлаб бергани бежиз эмас", дея алоҳида таъкидлади.

Чирчиқ давлат педагогика университетида ҳам Амир Темур меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, гуманитар фанлар факултетида "Соҳибқирон Амир Темур II Ренессанс ҳомийси" ўқув-темастик хонаси ташкил этилган. Мазкур хонанда улуг бобомиз даврга оид тарихий манбалар, илмий адабиётлар, кўргазмалли материаллар ҳамда мультимедиа воситалари жамланган. Бу эса талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларда тарихий тафаккурни шакллантириш ва миллий қадриятларга хурмат руҳини оширишга хизмат қилади. Ушбу ўқув хонаси талабаларга буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг бой тарихий мероси, илм-фан, маданият ва маърифат ривожига қўшган улкан ҳиссасини чуқур ўрганиш имконини беради.

Амир Темурнинг давлат бошқаруви тизими қонуни устуворлиги ва адолат тамойилларига асосланган ҳолда яратилган бўлиб, у ўз даври учун ниҳоятда адолат ва тенгликни қарор топтирган, халқ ишончли мустаҳкамлаган, тараққиёт учун замин яратган. Унинг адолат, интизом ва қонуни устуворлигига асосланган сисъати ҳозирги давлатчилик ривожига ўрнак бўлиб хизмат қилади. Кучли давлат барпо этиш, жамиятда барқарорлиқни таъминлаш ва халқ фаровонлигига эришиш йўлида Амир Темур мероси сиёсий аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар айна шу тамойилларга таянаётгани билан аҳамиятлидир. Қонуни устуворлиги ва адолати таъминлаш фақат ҳуқуқий вазифа эмас, балки жамият тараққиётининг энг муҳим шартидир. Шу маънода, Амир Темур мероси ва замонавий ислохотлар уйғунлиги мамлакатимизнинг келажак тараққиёти учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

ФАН ВА ТАЪЛИМ МУШТАРАКЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Бугун мамлакатимиз тараққиёти навбатдаги босқичга кўтарилиб, дунё эътиборини қозонмоқда. Барча соҳада туб бурилиш ясаб, халқимизнинг меҳнатига яраша турмуш шароити яратиш янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг пировард мақсадига айланган. Бунга эришиш эса қатор омишларга боғлиқ. Уларнинг орасида илм-фан ва таълим муштараклиги алоҳида аҳамият касб этади.



Нуктаи назар

даражали кадрлар ва илмий даражаси бўлмаган ходимлар маоши ўртасидаги тафовут деярли сезилмасди. Бу эса олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатарди. Қўллаб қўлланган даражали профессор-ўқитувчилар ишини ўзгартиришга мажбур бўлди. Бугун эса ушбу масалаларга жиҳдий эътибор қаратилаётгани туфайли вазият бутунлай ўзгарди. Ҳозир диссертация ёзган ёқлаган тадқиқотчи ва илмий раҳбарнинг меҳнати етарлича моддий рағбатлантириляпти. Кадрлар қўнимсизлигига барҳам берилган. Профессор-ўқитувчиларнинг турмуш даражаси анча яхшилланган. Соҳада коррупция ҳолатларининг ҳам олди олинляпти.

Илгари тадқиқотчи тайёр илмий ишини ёқлаш учун ихтисослаштирилган илмий кенгаш излаб овера бўларди. Энди эса олий таълим муассасаларининг ўзида бундай кенгашлар бор. Диссертация ишларини масофавий ҳимоя қилиш тартиби жорий этилган. Бу ишлар ўзининг дастлабки самарасини бера бошлади.



Рустам ТОЖИЕВ, Фарғона давлат техника университети ректори, профессор

Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги ишлар сифат жиҳатдан янги босқичга чиқмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Унинг ижросини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий-меъриий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Илм-фан ва таълим-тарбия ишларини ривожлантиришнинг аниқ мақсадли дастур ва комплекс чора-тадбирлари шакллантирилди. Пировардида улар бугун эришилаётган ютуқларга пухта замин ҳозирлади. Бунга Фарғона давлат техника университети фаолиятида мисол кўп.

Илм-фан ва таълим ривож кўп жиҳатдан кадрларга боғлиқ. Бирок узоқ йиллар мобайнида бу жиҳатга эътибор берилмагани туфайли олий таълим тизимида илмий

"Яшил макон" умумийқилмой лойиҳаси доирасида университет ҳудудида ва шаҳар миқёсида қўчат экиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларида талабалар фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, "Китоб улашман" акцияси орқали талабалар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, мутолаага қизиқишини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу акция доирасида ёшларга юзлаб китоб тарқатилди. Талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний фаоллиқни ошириш мақсадида "Соғлом ҳаёт" акцияси мунтазам ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, театр, музей ва бошқа маданий масканларга уюштирилаётган экскурсиялар талабаларнинг маънавий-эстетик дунёқарашини кенгайтириш, миллий ва жаҳон маданиятига қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай маданий тадбирлар ёшларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун ҳам замин яратяди.

Умуман олганда, университетда маънавий-маърифий ишлар тизими ва самарали ташкил этилган бўлиб, талабаларни янги Ўзбекистон истиқбол учун бефарқ бўлмаган авлод вақиллари этиб тарбиялашга йўналтирилган.



Бугунги кунда маҳалла нафақат аҳолини бирлаштирувчи ижтимоий маскан, балки ислохотлар амалда ўз ифодасини топаётган ҳаёт майдонига айланмоқда. Унда инсон манфаати, унинг фаровон ҳаёти ва эртанги кунга бўлган ишончи устувор аҳамият касб этади.



МЕДИАТУР

МАҲАЛЛА — ЎЗГАРИШЛАР МАЙДОНИ

Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси ҳамда Журналистлар уюшмаси томонидан Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори ижроси доирасида ташкил этилган медиатурда журналистлар учун фақатгина рақамлар билан эмас, балки юртдошларимиз турмушидаги ижобий ўзгаришлар билан ҳам яқиндан танишиш имконияти бўлди.



Қарорда янги Ўзбекистондаги ислохотлар натижасида юзага келган янгиликлар ва ютуқларни кенг ёритиш, иқтисодиётимиз барқарор суръатда жадал ривожланиши натижасида фуқароларимизнинг турмуш фаровонлиги ортиб бораётганини кўрсатиб бериш вазифаси белгиланган.

Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ, Пискент ва Бўка туманларига сафар давомида айнан шу жиҳатлар — аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ташаббуслар, ҳаётга таътиб этилаётган ислохотлар ва илгор тажрибалар билан танишиш, гувоҳчи бўлди.

Медиатур аввалида Ўзбекистон маҳаллари уюшмаси масъуллари журналистларга юртимиздаги 8992 та маҳалладаги янгиликлар, истиқболдаги режалар ҳамда "маҳалла еттилик" орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, фаровонлигини ошириш ва хавфсиз муҳит яратиш борасида қилинаётган ишлар ҳақида атрафчи маълумот берди.

Бугунги кунда 3 миллион 200 мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган Тошкент вилоятида 883 та маҳалла мавжуд. 2026 йил якунига қадар вилоятда яна 11 та янги маҳалла биноси қурилиб, уларни фойдаланишга топшириш, ижтимоий реестрда турган 100 та оилага қуёш панеллари ўрнатиш режалаштирилган. Бу чора-тадбирлар аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш, энергия тежамкорлигини ошириш ва маҳаллалар фаолияти самардорлигини юксалтиришга хизмат қилади.



6

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик

Медиатур доирасида дастлаб Ўрта Чирчиқ туманидаги Дўстлик маҳалласига борибди ҳамда у ерда "маҳалла еттилик" фаолияти,



аҳоли билан ишлаш тизими ва амалий натижалар билан яқиндан танишилди.

Маҳалладаги сумалак сайли миллий қадриятларимиз, ҳамжихатлик ва қўшничилик анъаналарининг ёрқин намунасини акс эттирган бўлса, нурунийлар ва ёшлар

иштирокидаги шахмат ўйинлари орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган ташаббуслар намойиш қилинди.

Абдулла Қодирий кўчасида яшовчи Ғулом Абдуназаров "Бир маҳалла — бир мақсулот" тамойили асосида оилавий тадбиркорликни муваффақиятли йўлга қўйган. У томорқасидан бир мавсумда икки марта ҳосил олмақда. Натижада йиллик даромади 110-120 миллион сўмни ташкил этаётди. Бу "Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик" ҳикматининг амалдаги исботидир.

"Дўстлик" маҳалла сервис компанияси фаолияти билан танишиш жараёнида қишлоқ ҳудудларида ҳам замонавий инфратузилма яратиш, ободонлаштириш, аҳолига 23 турдаги маъмурий ва сервис хизматларини кўрсатиш борасида йўлга қўйилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ушбу хизматлар аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, кундалик ҳаётда қулайликлар яратишда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Жараёнда маҳалла бугун нафақат ижтимоий институт, балки ислохотлар амалга оширилаётган, инсон манфаати устувор бўлган ҳақиқий ҳаёт майдони эканини яна бир бор ҳис қилдик.

Бандлик ва тадбиркорликка эътибор

Кейинги манзилимиз Пискент туманининг Мингтепа маҳалласи бўлди. Бу ерда аҳоли бандлигини таъминлаш, томорқачилик маданиятини юксалтириш, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар билан яқиндан танишидик.

Айниқса, кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор, уларнинг ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланишга қаратилган ташаббуслар маҳаллада ижтимоий муҳитни янада мустақамлаётгани эътиборга молик. Мингтепа маҳалласида "Қамбағалликдан фаровонлик сари" дастури доирасида янги узумзорлар барпо этилиб, ердан унумли фойдаланиш ва даромад манбаларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратилган.

Ўрикзор кўчасида яшовчи Абдужалил Хусанбоев хонадонидagi 20 сотихли узумзор эса меҳнат ва тадбиркорликнинг ёрқин намунаси. Бу ерда "Наманган чилкаси" ва "Ризамат" навлари етиштирилиб, узум қаторлари орасига сазавотлар экиш орқали ердан самарали фойдаланилмоқда. Эрта баҳорда етиштирилган мақсулотлар аллақачон ички бозорларга чиқарилиб, оила даромади меҳнат самарасига мубофиқ анча ошган. Оила аъзолари аҳил-иноқликда меҳнат қилиб, ўзига тўқ ва хотиржам ҳаёт кечирмоқда.

Яна шу кўчада истиқомат қилувчи Адолат она эса фарзандлари ва неваралари билан бирга узумчилик, сазавотчилик ва қўчатчиликни йўлга қўйган. Томорқасида етиштирилган мақсулотларини бозорларга етказиб беради. Хонадонидagi 6 бosh қорамоли барқарор даромад манбаини шакллантирган.

Бўка туманининг Навобод маҳалласида қадриятларга қўрсатиладиган эътибор ва аҳолининг ўзаро ҳамжихатлиги сафаримизнинг энг эса қоларли лаҳзалари бўлди, десак янглишмаймиз. Маҳалла аҳли билан кечган самимий суҳбатлар, мазмундор ва ранг-баранг мусиқий дастурлар, болажонлар ўртасида ташкил этилган футбол ўйинлари кўнглимизни ёритди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда маҳалла нафақат аҳолини бирлаштирувчи ижтимоий маскан, балки ислохотлар амалда ўз ифодасини топаётган ҳаёт майдонига айланмоқда. Унда инсон манфаати, унинг фаровон ҳаёти ва эртанги кунга бўлган ишончи устувор аҳамият касб этади.

Гувоҳи бўлганимиздек, амалга оширилаётган ҳар бир ташаббус, ҳар бир янгилик, аввало, инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса янги Ўзбекистоннинг мустақам пойдевори айнан маҳалладан бошланаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz.uz_news

Жам шифо, ҳам маънавий қалқон

Олтин мерос



Зоҳиджон ЖУМАНАЗАРОВ, Юнус Ражабий номидаги ЎЗММСИ муҳандиси, "Янги Ўзбекистон юлдузлари" миллий мукофоти соҳибдори

"Мақом" сўзининг ўзидаёқ қандайдир сирли, енгил тортишиш қонунарига бўйсунмайдиган, қалбни юксакларга чорловчи салмоқ яширин. Бироқ асарият уни кўпинча шунчаки мусиқа, мозийдан қолган одатий мерослар қаторида қабул қилишга ўрганиб қолган. Аслида, мақомлар бир-бирига уланиб кетган оддий куйлар мажмуаси эмас, инсониятнинг олам ҳақидаги энг сирли, энг чуқур ўй-мушоҳадаларини товушлар орқали ифодаловчи музаам архитектура мўъжизасининг ўзгасидир. Регистон пештоқларида ёҳуд Гўри Амрининг гўзал нақшларида нечоғлиқ ақл бовар қилмас риёзий аниқлик ва Яратганга интилиш мужассам бўлса, мақомларнинг ҳар пардасида, қалбни титратувчи ҳар бир ноласида худди шундай бузилам кониот қонуниятлари бор. Енгил-ели, ўткинчи оҳанглар кишининг шунчаки жисмоний чарчоғини аритса, мақом инсонни бевоқифа ўзи билан, виждони билан ёлғиз қолдиради.

Нью-Йоркнинг осмонни тўсган сершоҳқун кўчалари ёҳуд Европанинг сиёсий минбарларида туриб Ўзбекистонга назар ташлаган хоржилик ташличи дастлаб қуруқ иқтисодий рақамларга, стратегик жойлашувга эътибор қаратиши ўз-ўзидан тушунарли ҳолат. Бироқ бу табаррук заминнинг, бу давлатнинг ҳақиқий ва жонли руҳий харитасини чизиш учун, аввало, унинг мусиқаси — дилтортор юрак уришига қулук тутмоқ керак. Нега бугун давлатимиз айнан мақом санъатини миллий гурур тисмоли даражасига олиб чиқмоқда деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бунинг сабаби равшан: ўзининг асл қадр-қиматини, қимлигини чуқур англаган миллатгина халқро майдонда муносиб ўрин эгаллай олади. Чет эллик сармоядор, дипломат ёҳуд сайёх Ўзбекистонга келганда, Ғарб ёки Шарқ маданиятига кўр-кўрона, қўланка мисоли тақдир қилаётган жонсиз жамиятини эмас, ўзининг миғ ийиллик цивилизациясига таяниб, кўксини тоғдек қериб турган қадимий ва айни пайтда замонавий халқни кўриши шарт.

Иқтисодий ислохотлар қанчалик муваффақиятли амалга оширилмасин, улар халқнинг маданий, ботиний юксалиши билан елкама-елка, ҳамқадам бормаса, яқунда бугун бошли жамият қандайдир маънода фақат қорни тўқ, аммо қалб кўзи кўр, ҳиссиз истеъмолчилар тўдасига айланиб қолиш хавфи ҳамиса мавжуд. Рақамли технологиялар инсон ҳаётини қулайлаштиради, энг оғир ишларни осон қилади, лекин хувиллаб қолган қалбни ҳеч қачон тўлдирма олмайд. Янги Ўзбекистон тараққиёт йўлини танларкан, айни шу ўта нозик мувозанатни сақлаб қолиш устида катта ишлар қилмоқда. Бугун пойтахтимизда ва вилоятларда мустақам бизнес марказлари қурилоқда. Одамлар замон телигига мос тегибор поездедларда ҳаракатланмоқда. Мамлакат глобал

Одамзод ахборот тўлкинида елкансиз кема каби чайқалаётган, қадриятлар қўлами ва қадри сониялар ичида ўзгариб бораётган суронли асрда яшапмиз. Шундай таҳликали паллада ҳар қандай давлатнинг чинакам қудрати унинг ядровий салоҳияти ёки қўзини қамаштирувчи бинолари билан ўлчанмай қолгани ҳам айни ҳақиқат. Асосий мезон халқнинг енгилмас иммунитетини, асрлар оша сайқал топган буюк иродасига бориб тақалади. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган, айни дамда ўзининг қайта туғилиш ва янгилиниш даврини шиддат билан кечираётган Ўзбекистон худди шундай глобаллашув синовлари қаршида ўзининг мустақам маданий қалқонини — мақом санъатини майдонга олиб чиқмоқда.

рақамли бозорга шаҳдам, дадил қадамлар билан интеграциялашмоқда. Бироқ шундай пайтда онгимиз ва шууримиз, албатта, ўзимизнинг азалий, боболар қони томган туپроғимиздан озикланиши ҳаёт-мамот масаласидир.

Мамлакатимизда халқро даражадаги мақом санъати анжуманларининг ўтказилиши, жойларда юзлаб мактаблар очилиб, узилиб қолган устоз-шоғирд анъаналарининг қайта тикла-

тирик қадриятни тақдим этишимиз ўта муҳим. Мақомнинг сеҳрли оҳанглари тинглаб улгайган, Ҳазрат Навоий, Фузүлий, Оғаҳий каби мутафаккирлар газалларининг магзини чаққан ёш авлод ҳеч қачон ахлоқсизликнинг қора чоҳига қўлаб тушмайди. Бундай инсонларда мўдом ички мустақам цензура, гўзаллиқни чиркинликдан, аслини сохтадан кўз юмиб ҳам ажрата оладиган мукамал ва нозик дид шаклланади.



ниши давлатимизнинг нақадар узоқни, асрларни кўзлаб иш тутаетганини яққол тасдиқлайди. Ўзбек миллий мақом санъатини шунчаки кўнгличор дастурлар даражасидан олиб чиқиб, давлат сиёсатининг мустақам ўзига-га айлантириш йўлидаги тарихий қадам — Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги қарори билан Ўзбек миллий мақом санъати марказининг ташкил этилиши бўлди. Бу ҳужжат мақомни тизимли ўрганиш ва халқро миқёсда тарғиб қилишнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. 2022 йилда эса марказнинг худуди бўлимлиги очилиб, бу қадимий меросни бутун республика бўйлаб ёш авлодга етказишнинг узулқиси амалий механизми ишга тушди.

Миллий гуруримизни жаҳон саҳнасига олиб чиққан яна бир дипломатик восита Халқро мақом санъати анжуманларидир. Асосан ҳар икки йилда бир марта юқори даражада ўтказиладиган бу йирик маданий платформа 2018 йил Шаҳрисабзда 73 давлат иштирокида муваффақиятли бошланган бўлса, 2024 йил июнида Зоминда ЮНЕСКО ва АЙСЕКО шафелитида янада кенг қулоч ёзди. Бу шунчаки мусиқий фестивал эмас, балки мақом ижро услублари ва ривожланиш истиқболларини жаҳон мутахассислари билан муҳокама қилиш, маданий алмашинувларни мустақамлашга қаратилган халқро йўналиш бўлди.

Ёшлар онги ва шуурини асраш масаласи мусиқий фестивал эмас, балки мақом ижро услублари ва ривожланиш истиқболларини жаҳон мутахассислари билан муҳокама қилиш, маданий алмашинувларни мустақамлашга қаратилган халқро йўналиш бўлди.



Шу нуқтан назардан ёндашганда, мақом мактабларининг кўпайишидан маданий мудофаа тизими мустақамлашиб бораётганини пайқаш қийин эмас.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, буюк цивилизациялар ўзининг санъатини унутган лаҳзадан таназулга юз тутган. Миллий қиёфа йўқолган жойда маънавий қарамлик бошланиши муқаррар. Халқимиз узоқ ва машаққатли ўтмиши давомида қанчалар-қанчар суронли йилларни, талафоту шафқатсиз қатгонларни бошдан кечирмади дейсиз. Бироқ уни эл, халқ сифатида бутун сақлаб қолган куч айнан она тили ва куйга садоқатдир. Қатагон йилларида ҳам мақом қуйилган ҳофизларнинг жасорати бугунги эркинлигимизнинг пойдевори, десак муболага бўлмайди. Айни пайтда давлат даражасида санъат аҳлига юксак эътибор қаратилмоқда, эркин ижод қилиш, бебаҳо меросимизни келажак авлодга худди аслиятдек тўқис, тоза ҳолатда етказиш учун барча қулайлик яратиб берилмоқда.

Сиёсий майдонда иқтисодий ўсишлар ва шартли инқирозлар ўрни муттасил алмашиб туради. Аммо жамиятнинг ҳаётбахш руҳиятини тасвиричи мусиқий мерос замонлар оша мангуликка дахлдор бўлиб яшайверади. Бугун юритилаётган юксак маданий сиёсатнинг энг дошинамд ҳижати шундаки, у ўзининг ҳаёбатли иншоотларини эртгага шамол учуриб кетадиган омонат куч устига эмас, балки асрлар синовида мардона ўтган метин қоя устига қўймоқда. Бу халқ сифатида маданий умрбоқийликнинг асосий қафолатларидандир.

GAZETADEGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASSOLANGAN

ЎЗБЕК АЛИФОСИДА

ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER QILTING.